2017 йил 1 май, душанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 91 (13.424)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



9 май – Хотира ва Қадрлаш куни

## ДОРИЛОМОН КУНЛАР ШУКРОНАСИ

***Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Иноят ота Содиқов 92 ёшда. У “GM Uzbekistan” қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган замонавий автомашинани навбатсиз сотиб олиш ва унга бепул техник хизмат кўрсатиш учун имтиёзли сертификатидан фойдаланди. “Роҳат” автосалонидан “Damas” автомашинасини сотиб олиб, ўзи ҳайдаб чиқди.***

– Фарзандларим билан анчадан бери “Damas” олишимиз керак, дея ўйлаб юрардик, – дейди, ЎзА мухбирига отахон. – Президентимизнинг уруш ва меҳнат фахрийларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб чиқарган фармонига биноан машинани навбатсиз сотиб олдик. Бор-йўғи бир ярим соатда ҳамма ҳужжатларни расмийлаштириб, машинанинг калити қўлимга топширилди. Юртимиз тинч, ҳур замон абадий бўлиб, Президентимизнинг умрлари зиёда бўлсин.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 4 апрелдаги “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори уруш фахрийларига алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларни муносиб ижтимоий муҳофаза қилиш, саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги тизимли ишлар кўламини янада кенгайтирди.

Фармонга мувофиқ, Яшнобод тумани ҳокимлиги, мудофаа ишлари бўлими, “Нуроний” жамғармаси вакиллари Иноят ота хонадонида бўлиб, Хотира ва қадрлаш куни билан табриклаб, Президентимиз номидан 2 миллион сўм пул мукофотини топширди. Шоҳимардон маҳалласида яшовчи Иноят отанинг миннатдорлигини нурли чеҳрасидан, самимий суҳбатидан сезиш қийин эмас.

– Фронтга кетганимда тоғни урса, талқон этгудай йигит эдим. 1948 йили Тошкентга қайтиб, яна севимли касбим – ҳайдовчилик билан шуғулландим. Умримнинг 70 йилини шу касбга бағишлаганман. Мен дунёдаги энг бахтли ва бой одамлардан бириман: 10 фарзанд, 31 невара, 33 эваранинг ардоғидаман. Баъзан мени кўришга келган невара-чевараларим саноғидан адашиб ҳам кетаман. Шу кунларга етказганига минг шукр!

Иноят ота мудом ҳаракатда. Маҳаллада, таълим муассасаларида ёшларга тинчликнинг улуғ неъмат экани, бугунги фаровон ҳаётимизнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлаш зарурлиги ҳақида насиҳат қилади. Маънавий-маърифий тадбирларда фаол қатнашади.

Отанинг самарали меҳнатлари муносиб рағбатлантирилиб, “Жасорат”, “Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги” юбилей медаллари билан тақдирланган.

Суҳбат қизиганда отахон уруш йилларини хотирлаб, ҳалок бўлган қуролдошларини эслаб, сукутга кетди, билдирмай кўзига ёш олди. Бугунги фараҳбахш кунлар, мустақиллик яратган бемисл имкониятлар, тинчлик-омонликда ўтаётган ҳаёти учун яратганга беадад шукроналар айтди.

**Азима ҚИЁСОВА**

## ТОШКЕНТДА ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ФОРУМИНИНГ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТАДИ

***Тошкент шаҳрида шу йил 11-12 май кунлари Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Форумининг XII мажлиси ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этиладиган ушбу йирик халқаро тадбирни юксак савияда ўтказишга тайёргарлик кўрилмоқда.***

Мажлисда ШҲТга аъзо давлатлар – Ўзбекистон, Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия, Тожикистон, шунингдек, кузатувчи мақомига эга давлатлар – Ҳиндистон, Покистон, Эрон ва Афғонистоннинг етакчи тадқиқот марказлари экспертлари, ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси ва Котибияти, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари иштирок этиши режалаштирилмоқда.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ўтган йиллардаги фаолияти давомида нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар қаторидан муносиб ўрин эгаллади. Бугунги давлатлараро муносабатлар тизимида хавфсизлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлаш, ўзаро манфаатли соҳаларда турли лойиҳаларни амалга оширишда самарали механизмга айланди. Ташкилот жаҳон ҳамжамияти эътиборини бутун дунёга жиддий хавф солаётган терроризм, экстремизм ва наркотрафик масалаларига қаратмоқда.

2001 йилда Ўзбекистон, Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия ва Тожикистон раҳбарлари Шанхай ҳамкорлик ташкилотини ташкил этиш тўғрисида тарихий қарорни қабул қилди. Бугунги кунда Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон, Эрон, Мўғулистон ва Беларусь ШҲТ фаолиятида кузатувчи сифатида иштирок этмоқда. Туркия, Шри-Ланка, Озарбайжон, Арманистон, Камбоджа ва Непал ШҲТнинг мулоқот бўйича шерик мақомига эга. Бундан ташқари, БМТ ва унинг тузилмалари, АСЕАН, МДҲ, Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш, ЭСКАТО каби қатор халқаро ташкилотлар билан шериклик муносабатлари ўрнатилган.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Форуми аъзо давлатларнинг илмий-тадқиқот ва сиёсий марказлари ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш, шунингдек, ШҲТ фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида унинг фаолиятига доир айрим масалалар бўйича тадқиқотлар ўтказиш, таҳлилий ва прогноз материаллар, тавсиялар тайёрлаш учун кўп томонлама мустақил ижтимоий маслаҳат-эксперт механизми ҳисобланади.

*(Давоми 2-бетда)*

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Чирчиқ гарнизони офицерлар уйида мамлакатимиз тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги ва халқимиз осойишталигини таъминлаш йўлида хизмат бурчини ўташ чоғида ҳалок бўлган ҳарбийларнинг оила аъзоларини моддий-маънавий қўллаб-кувватлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда хизмат бурчини ўташ чоғида ҳалок бўлган бир гуруҳ ҳарбийларнинг оила аъзоларига совға-саломлар топширилди. Санъаткорларнинг Ватан, тинчлик, жасорат ва онани тараннум этувчи куй-қўшиқлари янгради.**

**• Самарқандда “Мева-сабзавот маҳсулотларининг экспортини кенгайтириш ва рақобатни кучайтириш” мавзусида бизнес форум бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда Афғонистон, Бельгия, Германия, Франция, Исроил, Латвия, Литва, Туркия, Украина ва Марказий Осиё давлатларидан келган тадбиркорлар, халқаро ташкилотлар экспертлари, юртимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш билан шуғулланувчи корхоналар вакиллари, фермерлар қатнашди.**

**• Сирдарё вилояти Оқолтин туманидаги “Гулсанам” тўйхонасида 10 боланинг суннат тўйи ўтказилди. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси, Сирдарё вилояти ҳокимлиги, вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси, хотин-қизлар қўмитаси, Оқолтин, Сардоба туманлари ҳокимликлари ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган суннат тўйида болаларнинг ота-оналари, қариндош-уруғлари, маҳалла фаоллари, меҳнат фахрийлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.**

**• Андижон машинасозлик институтида “Инновацион ривожланиш муаммолари: ишлаб чиқариш, таълим ва илм-фан” мавзусида илмий-техникавий конференция бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкентдаги Турин политехника университети ҳамда “GM-Uzbekistan” акциядорлик жамияти ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда юртимиздаги олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлар, ёш олимлар, магистрант ва талабалар иштирок этди.**

### ЖАҲОНДА

**• Ироқнинг Басра шаҳрида мамлакатда илк люкс тоифасига кирувчи беш юлдузли меҳмонхонани бунёд этиш ишлари бошланди. 18 минг квадрат метр майдонда қад ростлаётган саккиз қаватли ушбу меҳмонхонада 300 та барча қулайликларга эга хона, 5 та ресторан, бир нечта ҳовузлар мавжуд бўлади. Унинг том қисмида вертолётлар қўниши учун майдон ҳозирланмоқда. 2018 йил охирларида илк меҳмонларни қабул қилиши режалаштирилаётган беш юлдузли отелнинг мамлакатнинг туризм марказига айланиши таъкидланмоқда.**

**• Парагвайда оламшумул жиноят содир этилди. 60 нафар қуролланган жиноятчилар инкассаторлик компаниясига ҳужум уюштирдилар. Улар қоровулни ўлдириб, бино деворини портлатган ҳолда қарийб 40 миллион долларга яқин миқдордаги пулни ўғирладилар. Полиция билан отишма чоғида уч нафар талончи йўқ қилинган, иккитаси яраланган. Бироқ пулни ўмарган жиноятчиларнинг асосий қисми яширинишга муваффақ бўлган. Ҳозирда босқинчилар қидирилмоқда.**

**• Американинг фазо агентлиги — НАСА томонидан учирилган “Кассини” фазо зонди юборган суратларга кўра, Сатурннинг йўлдоши Энцеладда ҳаёт пайдо бўлиши учун қулай шароитлар мавжуд бўлиши мумкин. Бундай хулосаларга йўлдошда водороднинг аниқлангани сабаб бўлган. У назарий жиҳатдан ҳаёт пайдо бўлиши учун энергия манбаси бўлиб хизмат қилиши мумкин. “Кассини” сўнгги 12 йил мобайнида сайёранинг ўзини, чамбараги ва йўлдошини ўрганган. “Кассини”, хусусан, Сатурннинг энг йирик йўлдоши Титанда суюқ метан денгизи ва Энцеладда океан борлигини аниқлаган.**

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

## ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

***Куни кеча Тошкент шаҳар фаоллари йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов олиб борди.***

Йиғилишда 2017 йилнинг биринчи чорагида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 14 январдаги ҳукумат мажлисида белгилаб берилган вазифаларнинг сўзсиз бажарилиши учун маҳаллий бошқарув органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган ҳужжатлар ва берилган топшириқларнинг самарали бажарилиши, ижро интизомини мустаҳкамлаш ҳамда 2017 йилнинг биринчи ярим йиллигига белгиланган иқтисодий-ижтимоий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини амалга ошириш масалалари атрофлича кўриб чиқилди.

Йиғилишда йилнинг биринчи чораги якунлари бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 108,9 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 111,0 фоизга, истеъмол моллари ишлаб чиқариш 106,8 фоизга, асосий капитал инвестициялар 115,6 фоизга, пудрат-қурилиш ишлари 109,8 фоизга, чакана савдо айланмаси 110,6 фоизга, хизматларнинг 113,3 фоизга ўсиши таъминланганлиги таъкидланди.

Шунингдек, 2 944 та янги кичик бизнес субъектлари ташкил этилиб, уларнинг сони 49 582 тага етди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 60,8 фоизни, саноатдаги улуши 67,4 фоизни, хизматдаги улуши 61,6 фоизни ташкил этди.

Бандлик дастурига асосан жорий йилнинг биринчи чорагида 13 297 та янги иш ўринлари яратилди, шундан 6 285 таси кичик бизнес субъектларида очилди. Шу билан бир қаторда, 2017 йил биринчи чоракда асосий саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш суръатларини ошириш чораларига қарамасдан, ишлаб чиқариш ҳажмларини пасайтирган корхоналар сони 12 тани ташкил этган.

*(Давоми 2-бетда)*

## ФАВВОРАЛАРНИНГ БЕТАКРОР ЖИЛВАСИ

**Бугун бутун республикамизда, жумладан шаҳримизда ҳам анъанавий “Фавворалар сайли” ўтказилди**

Мустақиллик шарофати билан шаҳримизда кенг кўламдаги бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Қаерга борманг, бири-биридан гўзал ва салобатли бинолар, кўприклар, кишининг баҳри-дилини очадиган фавворалар қад ростлаётганининг гувоҳи бўласиз.

Айниқса, фавворалар ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларининг севимли ҳордиқ чиқарадиган, уларга хуш кайфият бахш этадиган диққатга сазовор жойларга айланган. Зеро, шаҳримиздаги замонавий фавворалар нинг куй-навога ҳамоҳанг тарзда сув пуркаб туриши, турфа рангларда жилоланиши барчани ўз атрофига чорлаб, маданий дам олишга даъват этади.

Бугун – 1 май куни хайрли анъанага мувофиқ шаҳримизда “Фавворалар сайли” ёшлар оммавий-маданий тадбирлари бўлиб ўтди.







Маърифат маркази ва Симпозиумлар саройининг кириш қисмидаги, Сайилгоҳ майдонидаги, Хадра майдонидаги, Мирзо Улуғбек номли маданият ва истироҳат боғининг кириш қисмидаги, “Истиқлол” санъат саройининг орқа майдонидаги, Алишер Навоий номидаги академик катта театрнинг кириш қисмидаги фавворалар – жами шаҳримиздаги 13 та гўзал ва фусункор фавворалар атрофида олий, ўрта махсус ўқув юртлари талабалари, мактаблар ўқувчилари, қолаверса, ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларининг маданий-маърифий ҳордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароитлар яратилди ва улар ҳам фавворалар жилвасида қизиқарли концерт дастурларини томоша қилган ҳолда мириқиб дам олдилар.

2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

# ҲАҚИҚАТНИНГ ЮЗИ ДОИМО ЁРУҒ

***Президентимиз Шавкат Мирзиёев ғояси билан асос солинган Халқ қабулхоналарида одамлар билан фаол ва очиқ мулоқот олиб борилаётгани муаммоларга тик қараб, уларни ҳал қилишда муҳим омил бўлмоқда. Натижада одамлар ортида суянч тоғи борлигини ҳис қилмоқда. Бу барча масалани қонун доирасида кўриб чиқиш, ҳал қилиш деганидир.***

Бу жиҳатлар Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманида ташкил этган сайёр қабулда ҳам ўз ифодасини топди. Очиқ мулоқотда суд, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари, вазирликлар, давлат қўмиталари, марказий идора ва ташкилотлар, банк-молия муассасалари, пойтахтимиз ва туман ҳокимликларининг раҳбарлари, масъул ходимлари фуқаролар ҳамда тадбиркорларнинг мурожаатларини тинглаб, уларни ҳал қилишга киришди.

Жонли мулоқотлар, қизғин баҳс-мунозаралар кузатуви бир ҳақиқатга етаклайди: одамларда мурожаат маданияти юксалмоқда – илгари кўп учраган беҳуда бақир-чақирлар, асослими-асоссизми талаб қилишлар камайиб, ҳақли талабни оғир-вазминлик билан тушунтириш, адолат қарор топиши учун қонун доирасида амалий ёрдам сўраш кўпаймоқда. Ўз навбатида олдингидек қовоғидан қор ёққан, ўзини катта олган, "шикоятингни ўрганишдан бошқа ишим йўқми?", деб жеркиб берадиган раҳбар ё масъул ходимларни ҳам деярли учратмайсиз. Мулоқотлар ўзаро бир-бирини тушуниш, ҳурмат қилиш асосида кечмоқда.

Раъно Толипова Шайхонтоҳур тумани Оҳакчи кўчаси, 12-уйда яшайди. Опанинг айтишича, мазкур кўп қаватли уйга иссиқ сув "бойлер" тизимида етказиб берилади, қозонхона яхши ишламагани оқибатида бешинчи қаватга – унинг хонадонига тўрт йил давомида иссиқ сув етказиб берилмаган. 2016 йил августида қозонхона тўла таъмирланди. Энди унга иссиқ сув учун 2,4 миллион сўм қарзни тўлаб қўйишни айтишмоқда.

– Хонадонимга суддан "қарзни тўламасанг, мол-мулкингни мусодара қиламиз", деган мазмунда чақирув қоғози келавергач, қон босимим ошадиган бўлиб қолди, – деди Раъно Толипова. – Ахир тўрт йил давомида иссиқ сув ишлатмаган бўлсак, қаёқдан бунча қарз пайдо бўлиши мумкин?

"Тошиссиққуввати" унитар корхонаси масъул ходимлари бу мурожаатни шу ернинг ўзида кўриб чиқиб, истеъмолчи билан қайта ҳисоб-китоб қилди. Натижада бу хонадоннинг қарзи 1 миллион сўмдан зиёдроқ экани маълум бўлди. Фуқаронинг қарзни бўлиб-бўлиб тўлаш ҳақидаги илтимоси ҳам қаноатлантирилди.

Шайхонтоҳур тумани ИИБнинг катта сержанти Фахриддин Тиркашев 2004 йил 29 март куни ўз хизмат бурчини бажараётган вақтида ҳалок бўлган. Марҳумнинг беваси Роҳия Тиркашева Шайхонтоҳур туманидаги 42-оилавий поликлиникада ҳамшира бўлиб ишлайди. Уч фарзанди бор. Бу оилага нафақа тўланади, бироқ улар уй билан таъминланмаган. Аёл акасининг уйида вақтинча яшаб турибди.

– Ўша мудҳиш кунларда ҳомиладор ҳолимда икки қизим билан қолдим, эрим ҳалок бўлгандан уч ойча ўтиб, ўғлим дунёга келди, унга Ёдгор исмини қўйдик, – дейди Р.Тиркашева. – Бугун катта қизим олий ўқув юртида, ўртанчаси коллежда, ўғлим мактабда ўқийди. Улар "отам тирик бўлганида, ўз уйимиз бўларди, бундай қийналмасдик", деганда, дунё кўзимга қоронғу кўриниб кетади. Кредитга уй олишга, афсуски, имконим йўқ. Шунинг учун Президентимизнинг Виртуал қабулхонасига шу масалада амалий ёрдам сўраб, мурожаат қилдим.

Очиқ мулоқотда бу аёлнинг талаби ҳақли экани, унинг турмуш ўртоғи элюртимизнинг тинч-осойишта ҳаёти учун жонини тиккани, қаҳрамонларча ҳалок бўлгани қайд этилди. Соҳа мутасаддилари Р.Тиркашева билан суҳбатлашиб, унга бу масалада амалий ёрдам берилишини айтди. Мурожаат назоратга олинди.

– Қизим уч йил олдин турмушидан ажрашган, икки фарзанди бор, невараларимнинг отаси алимент тўлашни пайсалга солаётганди, – дейди Тожихон Миртолипова. – Президентимизнинг Виртуал қабулхонасига мурожаатимиздан сўнг, мана, бугун муаммомиз тўла ҳал қилинди.

Фотима Назированинг ўғли 30 ёшда. Ишсиз. Онахон ва чолининг пенсияси рўзғорни бутлашга етмаяпти.

– Ўғлим ишласа, турмушимиз яхши бўлиб кетармиди, – деди Фотима Назирова. – Афсуски, унинг тайинли касб-ҳунари йўқ. Бор-йўғи ўрта мактабни битирган.

– Ўғлингизни касбга бепул ўқитиб, стипендия ҳам берамиз, – деди Ўзбекистон меҳнат вазирининг ўринбосари Баҳодир Низомов. – Марказимизнинг янги гуруҳида ўқиш август ойида бошланади. Унгача ўғлингизга иш топиб берамиз. Олти ойда касбга ўқигач, мутахассислиги бўйича ишга жойлаштирамиз.

Бу манзарани кузатиб, илгариги аҳвол кўз ўнгингдан ўтади: ахир куни кеча бир тумандаги бирор тармоқнинг раҳбари оддий аҳоли билан ҳатто гаплашмас, ҳали у, ҳали бу ходимига йўналтириб, сарсон қиларди-ку. Фуқаро вазирлик нари турсин, вилоят ё шаҳардаги масъул ходимлардан бирининг мобиль рақамини топиб қўнғироқ қилса, дастлаб шу саволга дуч келарди: "Бу рақамни сизга ким берди?". Бугун вазият мутлақо бошқача. Вазир ўринбосари оддий фуқарога ўз ташриф қоғозини бериб, истаган вақти қўнғироқ қилиши мумкинлигини айтди. Аслида ҳам шундай бўлиши керак.

Сайёр қабулда туманда мурожаатлар билан ишлаш, одамлар қалбига йўл топиш, дарду ташвишларини тинглаб, муаммоларига ечим излаш борасидаги ишлар, уларнинг сабаб-оқибатлари таҳлил этилиб, йўл қўйилаётган хато-камчиликлар кескин танқид қилинди. Қўшимча ўрганиш, текшириш ва вақт талаб қиладиган мурожаатлар бўйича мутасадди идора ва ташкилотлар вакиллари ўзларига тегишли ҳар бир масала ечими учун жавобгарликни зиммасига олди.

– Бугунга қадар Президентимизнинг Виртуал қабулхонасига туманимиз аҳолисидан 15 минг 978 мурожаат келиб тушган. Шундан 6 минг 625 таси бевосита туман ҳокимлигига тегишли бўлиб, уларнинг 83,2 фоизи кўриб чиқилган, қолганлари ижрода, – дейди ЎзА мухбирига Шайхонтоҳур тумани ҳокими Ойбек Миртемиров. – Асосан уй-жой, коммунал, банк-молия, солиқ, моддий ёрдам, иш ҳақи ва пенсиялар, судларда ишлар кўрилиши, меҳнат ва бандлик, йўлларни таъмирлаш масалалари бўйича мурожаатлар бўлмоқда. Шу пайтгача қуйи бўғинларга тушмаганимиз, одамлар билан етарлича мулоқот қилмаганимиз оқибатида шу муаммолар йиғилиб қолган. Бугун ўзим элликдан ортиқ фуқаронинг мурожаатларини тингладим. Аксарият муаммони жойида ҳал қилишга ҳаракат қилдик. Бу очиқ мулоқотлар ўз ишимизга четдан баҳо бериб, йўл қўйилаётган хато-камчиликларни аниқлаш ва бартараф этишда катта мактаб бўлмоқда.

– Бугунги очиқ мулоқотда кўп фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ўз вақтида ҳимоя қилинмаганига гувоҳ бўлдик. Энди бундай хато-камчиликларга йўл қўйишга ҳаққимиз йўқ, – дейди туман прокурори Бекзод Шамшиев. – Кўриниб турибдики, аксарият муаммони жойида ҳал қилиш имкони бор. Бу турли соҳа вакилларининг бир ёқадан бош чиқариб ишлашини тақозо этади.

– Туман аҳолисидан бизнинг соҳага оид мурожаатлар асосан паспорт, прописка ва фуқаролик масалаларида бўлмоқда, уларнинг қонуний асосга эгалари ҳал қилинмоқда, қолганлари бўйича тушунтиришлар бермоқдамиз, – деди туман ИИБ бошлиғи Отамурод Аҳмедов. – Ҳудудимизда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг бўш вақтини самарали ташкил қилиш, турли тўгаракларга қамраб олишга ҳам катта эътибор беришимиз керак.

– Шайхонтоҳурликлар солиқ соҳасида асосан солиққа тортишдаги имтиёзлар, савдо шохобчаларидаги қонунбузилишлар, айниқса, тўлов терминаллари ва назорат-касса машиналари билан таъминланмаган ҳолатлар юзасидан мурожаат қилмоқда, – дейди туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Улуғбек Ҳотамов. – Виртуал қабулхона очилгандан сўнг – 2016 йилнинг сўнгги уч ойида бу борада 100 мурожаат бўлган, бу йилнинг уч ойида уларнинг сони 40 тани ташкил этди. Қуйи бўғинларга тушиб ишласак, хато ва камчиликларга бефарқ бўлмай, уларни бартараф этиш учун жон куйдирсак, мурожаатлар аста-секин камайишига ўзимиз амин бўлмоқдамиз.

...Адолат ва қонунийлик – халқ ва мамлакат хотиржамлигининг асоси. Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлардан асосий мақсад жамиятимизда тинчлик ва фаровонликни мустаҳкамлаш, одамларни, халқимизни ҳаётдан рози қилишдан иборат. Бундай сайёр қабуллар ва очиқ мулоқотлар ҳар бир нарсани ўз оти билан айтиш – ноҳақдан ҳақни, оқ ва қорани ажратишда, фуқароларнинг қонуний мурожаатларини синчиклаб кўриб чиқиб, ҳал этишда одамларга катта имкониятлар бермоқда.

**Умид ЁҚУБОВ**

# ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Шу ўринда Мирзо Улуғбек туманидаги "Ўзкабель" АЖ, "БФ Текстил Продакшн" МЧЖ, Миробод туманидаги "Ўзэлектроаппарат-электрощит" АЖ, "Хуавей тек. Инвестмент Ташкент" МЧЖ, Олмазор туманидаги "Оникс" АЖ, Учтепа туманидаги "Электроизолит" МЧЖ, Шайхонтоҳур туманидаги "Ўзбекистон нашриёт-матбаа ижодий уйи" ДУК, Юнусобод туманидаги "Ўзбекэнерготаъмир" АЖ, "Зенит электроникс Тошкент радиотехника заводи" МЧЖ, "Раупхон" МЧЖ, Яшнобод туманидаги "Ўзкарлсберг" МЧЖ каби корхоналар қайд этилди.

Маҳаллийлаштириш дастурига шаҳарнинг 83 та ҳудудий корхоналари 190 та лойиҳа билан жалб этилган. Ҳисобот даврида ҳудудий корхоналар томонидан 221,2 млрд. сўмлик импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилган.

"2016-2018 йилларда Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури" доирасида олиб борилган ишлар натижасида 2017 йилда 2088 та лойиҳаларни ишга тушириш белгиланган бўлиб, 29042 та иш ўрни ташкил этиш ва жами 263,7 млн. долларлик инвестициялар ўзлаштирилиши режалаштирилган.

Ушбу Дастур доирасида биринчи чоракда 377 та лойиҳаларни ишга тушириш белгиланган бўлиб, амалда эса 472 та лойиҳалар ишга туширилиб, 5436 та қўшимча иш ўринлари ташкил этилган.

Шаҳримизда 313 та мактаб, 443 та мактабгача таълим муассасаси 119 та коллеж ва лицейлар, 38 та олий ўқув юртлари, жами 913 та таълим муассасалари ҳамда 150 та тиббиёт муассасалари мавжуд.

Йиғилишда таълим муассасаларида давомат ҳамда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масаласи муҳим масалалардан бири эканлиги таъкидланди.

Ишчи гуруҳи томонидан март ойида 102 та таълим муассасалари ўрганилганда 728 нафар мактаб, 652 нафар коллеж ва лицей ўқувчилари сурункали тарзда сабабсиз дарс қолдирганлиги аниқланган. Бу каби салбий оқибатларнинг олдини олиш мақсадида жорий йилнинг 10 март куни давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини йўлга қўйишга қаратилган Қўшма қарор қабул қилинди.

Соғлиқни сақлаш тизимидаги раҳбарларнинг 17 нафари билан меҳнат шартномаси бекор қилинди, уларнинг ўрни юқори малакали, ҳалол, пок, виждонли, масъулиятли ходимлар билан тўлдирилди, 22 нафари ротация қилинди.

Тизимдаги ўрганишлар натижаларига кўра, тиббиёт муассасаларига ажратилаётган дори воситаларининг камлиги маълум бўлди. Бу муаммони ҳал қилиш учун шифохоналарга дори-дармон ва боғлов воситалари харид қилишга ажратилаётган маблағлар икки баробар, айримларида эса уч баробарга маҳаллий бюджет ҳисобидан кўпайтирилди.

Бундан ташқари, бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизимида 1 500 дан ортиқ бўш вакант ўринлар аниқланди. Ҳозирда 380 нафар коллеж битирувчилари билан тўрт томонлама, 143 нафар олий маълумотли шифокорлар билан уч томонлама шартномалар тузилди. Маҳаллалар томонидан юборилган 163 нафар фуқароларнинг 140 нафари ишга қабул қилинган.

Мавжуд 60 та оилавий поликлиникаларга аҳолига малакали бирламчи тиббий хизмат кўрсатиш учун 120 дона "Дамас" русумли автотранспорт воситаларини ажратиш бўйича тегишли ишлар амалга оширилаётгани билдирилди.

Шунингдек, 2017 йилги Инвестиция дастурига киритилган объектларни қуриш, модернизациялаш ва реконструкция қилиш юзасидан буюртмачилар ва қурилиш ташкилотлари ўртасида пудрат шартномалари тузишнинг ҳолати, уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолияти самарадорлигини ошириш, кўп қаватли уй-жойлар қурилиши ҳамда ободонлаштириш тадбирлари атрофлича кўриб чиқилди.

Табиий газ, электр ва бошқа коммунал соҳалардаги мавжуд кредиторлик ва дебиторлик қарзларни тугатиш бўйича амалга оширилган ишлар муҳокама қилиниб, корхоналарнинг барқарор молиявий аҳволини таъминлаш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш, тез ва шошилинч тиббий ёрдамнинг сифатини ошириш, аҳолини мақбул нархлардаги дори воситалари билан таъминлаш ҳамда таълим муассасалари фаолиятидаги мавжуд камчиликлар таҳлил қилинди.

Фуқаролар томонидан берилган ариза ва мурожаатлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда туманлар ва бошқармаларда ижро интизомини янада мустаҳкамлаш чоралари кўрилди.

**(Ўз мухбиримиз)**

# ТОШКЕНТДА ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ФОРУМИНИНГ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТАДИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Ўтказиладиган тадбир доирасида ШҲТ ташкил топганининг 15 йиллигида, 2016 йил июнь ойида Тошкентда бўлиб ўтган Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси якунлари, ШҲТ маконида хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари, хавфсизлик, савдо-иқтисодиёт, транспорт-коммуникация ва инвестиция соҳаларидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, шунингдек, ташкилотни кенгайтириш истиқболлари муҳокама этилади.

ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг ўтган йилги мажлисида муҳим ҳужжат – ШҲТнинг 15 йиллик фаолияти якунлари ва истиқболда уни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари акс эттирилган Тошкент декларацияси қабул қилинганини таъкидлаш ўринлидир. Давлат раҳбарларининг учрашуви якуни бўйича Ҳиндистон ва Покистоннинг ШҲТга аъзо давлат мақомини олиш йўлидаги мажбуриятлари тўғрисидаги меморандумлар ҳам имзоланган эди.

Кузатувчи мақомига эга ва мулоқот бўйича шерик давлатлар билан алоқаларни фаоллаштириш, ўзаро ҳамкорликни кучайтириш ва уларнинг улкан салоҳиятини ШҲТ доирасида биргаликдаги фаолиятга жалб қилиш бўлажак учрашувнинг муҳим масалалари сифатида қайд этилган.

ШҲТ Форуми 12-мажлисининг кун тартибида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тақдим этилиб, унинг устувор йўналишлари ҳақида батафсил маълумот берилади. Мазкур стратегиянинг асосий мақсадлари хавфсизликни таъминлаш ва барқарор ривожланиш бўйича ШҲТ фаолиятининг асосий йўналишларига мос келади.

Ҳаракатлар стратегиясида транспорт-коммуникация соҳасида ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, бундан ШҲТга аъзо давлатлар ҳам манфаатдордир. Бу борадаги қўшма лойиҳаларнинг амалга оширилиши Осиё билан Европани боғлайдиган халқаро транспорт коридорларининг кўп вариантли тизимини шакллантириш имконини беради.

**Н.МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири**

***Миллий матбуот марказида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, партия фаоллари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.***

# ТЕГИШЛИ ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Тадбирда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга оид Давлат дастури ижросини таъминлашда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши ва депутатлик гуруҳи олдида турган долзарб вазифалар муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, жойлардаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва қонуний тартибда ҳал этиш мақсадида партиянинг "Адолат – қонун устуворлигида!" лойиҳаси доирасида Тошкент шаҳар Кенгашида тузилган партия фаоллари ҳамда ҳудудий кенгаш депутатларидан иборат ишчи гуруҳлари ҳафтанинг ҳар чоршанба кунлари жойларда жисмоний ва юридик шахслар билан бевосита мулоқотлар ташкил этишмоқда. Бунда, ҳар ҳафтада ҳудуддаги биттадан маҳалла фуқаролар йиғинларида жойлашган хонадонлар, хўжалик юритувчи субъектлар ва ижтимоий объектларнинг ҳолати, улардаги мавжуд муаммолар, қонунлар ижроси ва ислоҳотларнинг амал қилиш даражасини тизимли равишда ўрганиш ва аҳоли муаммоларини ҳал этишга асосий вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда.

– Партиямизнинг ишчи гуруҳлари томонидан жорий йилнинг февраль-март ойларида 44 та маҳалла фуқаролар йиғинидаги хонадонлар, хўжалик юритувчи субъектлар ва ижтимоий объектлар ҳолати атрофлича ўрганилди, – дейди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Тошпўлат Матибаев. – Ўрганишлар мобайнида аҳоли томонидан ишчи гуруҳига 763 та мурожаат келиб тушди. Уларда келтирилган масалаларни ижобий ҳал этишга кўмаклашиш мақсадида тегишли ташкилотларга 39 та депутатлик сўрови юборилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясининг "Ижтимоий соҳани ривожлантириш" деб номланган тўртинчи йўналиши ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган "Фарзандлари соғлом юрт – қудратли бўлур" лойиҳаси доирасида амалий ишлар бошлаб юборилди. Жумладан, Тошкент шаҳар партия Кенгаши фаоллари, маҳаллий кенгаш депутатлари ҳамда таълим ва соғлиқни сақлаш соҳалари масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳлари томонидан 9 та тумандаги 90 дан ортиқ мактаб ва 40 дан ортиқ мактабгача таълим муассасаларининг бугунги санитария ҳолати, синф хоналаридаги ўқувчилар сони, давомати, таълим муассасаларида тиббиёт хоналарининг зарур воситалар билан жиҳозланиши, ошхоналардаги озиқ-овқат маҳсулотлари сифати каби жиҳатлар ўрганилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йилнинг 18 апрелида қабул қилинган "Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони партиянинг 2017 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар режасини белгилаб олишда, хусусан уй-жой коммунал соҳасини янада такомиллаштириш, ижтимоий ва коммунал объектларни бунёд этиш ва бошқа бир қатор вазифаларни амалга оширишда катта имкониятлар яратишга хизмат қилади.

Тадбирда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари доирасида болаларни тиббий хизматлар билан таъминлаш тизимини мустаҳкамлаш, уй-жой коммунал комплекси фаолиятини янада яхшилаш, аҳолини сифатли хизматлар билан таъминлаш, соҳага йўналтириладиган маблағларнинг самарали ва оқилона сарфланиши устидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтириш каби вазифалар ижросига алоҳида эътибор қаратилди.

Пленум якунида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгашининг 2017 йилдаги фаолиятининг асосий йўналишлари белгиланди. Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

# СОҒЛОМ ФАРЗАНД – МИЛЛАТ ЭРТАСИ

***Миллий қадриятларнинг дастлабки навниҳоллари оилада юзага келади, ўсади ва келгусида ўз мевасини беради. Ўзбек оиласи азалдан соғлом турмуш тарзи, муомала маданиятини сақлаб келган. Бу ота-она ва фарзандлар муносабатларида ҳамда уй-жойни, рўзғорни саранжом тутиш, озодалик тамойилларини авлодларга сингдириб боришда ўз аксини топган.***

Оиланинг фарзандга ўтказадиган таъсир кучи ниҳоятда улкандир.

Ҳар бир оиланинг мустаҳкамлиги, оила аъзоларининг тинч ва фаровон ҳаёт кечириши, ўзаро ҳурмат ва иззатда яшаши ёшларни келгуси ҳаётга тайёрлашда муҳим омилдир.

Миллат ва жамиятнинг энг қимматли хазинаси соғлом, ахлоқий баркамол оиладир. Оиланинг мустаҳкамлиги эса ҳар томонлама соғлом турмуш тарзига, шунингдек, оиланинг тиббий маданиятига боғлиқ. Оилада тиббий маданиятни, соғлом турмуш тарзини шакллантириш – жисмоний баркамоллик ва саломатликка эришишнинг муҳим гаровидир.

Юртимизда баркамол авлодни тарбиялаш, соғлом турмуш тарзига амал қилиб яшаш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Жумладан, 2017 йилни "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" деб аталишида ҳам оилаларнинг бекаму кўст, бахтли ва ҳар томонлама соғлом, фаровон ҳаёти асосий мақсад қилиб олинган. Ушбу мақсад йўлида "Ўзбекистон фуқаросиман" деган ёшу кекса ҳаётининг янада фаровонлашуви йўлида тиббий маданиятга эришиш мақсадга мувофиқдир. Зеро, соғлиқ туфайлигина ҳар қандай инсон ўз орзу мақсадларига эришади.

Аввало оила қураётган ёшлар соғлом бўлишлари лозим, чунки соғлом ота-онадан соғлом фарзанд туғилади. Айрим ҳолларда инсонлар ўзларидаги яширин кечаётган касалликларни билмайдилар. Оилавий турмуш қуришга тайёрланаётган йигит ва қизлар никоҳ ва жинсий ҳаёт гигиенаси бўйича етарли билимларга эга бўлишлари, улар турмуш қуришларидан олдин тиббий кўрикдан ўтишлари лозим бўлади.

Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказишнинг асосий мақсади, йигит ва қизнинг ўз соғлиғи тўғрисидаги маълумотга эга бўлиши, хавф солувчи касалликлар аниқланганда, никоҳгача уларни даволаш ҳамда туғилажак фарзандларнинг ирсий ва жисмоний нуқсонлардан ҳоли туғилишига замин тайёрлашдир.

Тиббий кўрикдан ўтиш давомида касалликлар аниқланса, никоҳгача даволаниш мақсадга мувофиқ. Бир қатор касалликларнинг олдини олишда бу муҳим аҳамият касб этади. Наслий касалликларни келтириб чиқарувчи омилларга яқин қариндошлар ўртасидаги ўзаро никоҳлар ҳам киради. Қариндошлар ўртасидаги никоҳларда кўпинча жисмоний нуқсонларга эга бўлган болалар туғилиш эҳтимоли юқори бўлади ва чақалоқларнинг ўлик ёки чала туғилиш ҳолати кўп учрайди. Шунинг учун бундай никоҳларга йўл қўймаслик керак.

Оила қуриш ва соғлом фарзанд кўриш репродуктив саломатлик масаласи билан узвий боғлиқ. Репродуктив саломатлик бу – фарзанд пайдо бўлишида иштирок этувчи аъзолар саломатлиги бўлиб, репродуктив тизим ва унинг фаолиятига боғлиқ барча масалалар борасида фақат касаллик ва камчиликлар йўқлиги бўлибгина қолмай, балки тўлиқ жисмоний, ақлий ва ижтимоий муваффақиятлар ҳолати ҳамдир.

Соғлом фарзанд кўриш, фарзандларнинг ақл-идрокли, иймонли ва одобли бўлиши, нафақат ота-онанинг, балки бутун жамиятнинг бахтидир.

Бугунги кунда юртимизда тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар талайгина. Жорий йилда соғлом оилани шакллантириш, аҳоли тиббий маданиятини оширишнинг аҳамиятини янада кўтарган ҳолда барча тиббиёт ходимлари ўз малакаларини ошириб, талаб даражасидаги тиббий хизматни йўлга қўйишимиз даркор.

Шу мақсадда турли касалликларга қарши эмлаш ишларини юқори савияда ўтказиш билан бирга, аҳоли ўртасида тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

**Азизбек НИЗАМОВ,**
**Тошкент шаҳар саломатлик ва тиббий статистика институти директори ўринбосари**

***Ҳар бир юртнинг бугуни ва эртаси, мамлакат таълим тизимининг қай даражада ривож топгани билан ҳам белгиланади. Ватан тараққиёти, миллат истиқболи шу заминда вояга етаётган баркамол авлоднинг истиқболли келажаги билан чамбарчас боғлиқдир.***



О.ГУЛОМОВ (ЎзА) олган сурат

# ТАЪЛИМ СИФАТИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Бугунги давр талаби таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни такомиллаштиришни, ўқитишнинг янги метод ва усулларини жорий қилишни ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан самарали фойдаланишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган анжуман ҳам таълим сифати ва самарадорлигини ошириш йўлида амалга оширилаётган ишлар ва истиқболдаги устувор вазифаларга бағишланди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Б.Дониёров ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида илгари сурилган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ижтимоий соҳа ривожига доир тегишли йўналишда таълим бўйича устувор вазифалар белгиланганини таъкидлади.

Жумладан, стратегияда узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш, умумий ўрта таълим сифатини тубдан яхшилаш, талаб юқори бўлган фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш каби бир қатор муҳим вазифалар келтириб ўтилган.

Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Халқ таълими вазирлиги томонидан комплекс чора-тадбирлар белгилаб олиниб, аниқ ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, янги таҳрирдаги низомга 20 га яқин меъёрий ҳужжатлар киритилди ва амалдагилари мазмунан тўлдирилди. Даволаш профилактика муассасаларида стационар шароитда узоқ муддат даволанишга муҳтож болаларга бевосита муассасанинг ўзида таълим бериш ташкил этилди. Олис ҳудудларда яшовчи мактаб ёшидаги болаларнинг сифатли таълим олишини таъминлаш мақсадида тегишли туман, шаҳар ҳокимликларининг қарори асосида умумтаълим масканларининг филиаллари ташкил этилади ва уларда ўқувчилар сони юз нафаргача бўлади. 180 нафаргача бўлган умумтаълим муассасалари ҳам филиалларга айлантирилиши мумкин. Тегишли майдонига эга бўлган мактаблар синфларида ўқувчиларнинг таркиби 35 нафардан ортиб кетишига йўл қўйилмайди. Синф ўқувчиларини ўқитиш бўйича ҳам маълум нормалар белгиланади.

Мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга қамраб олиш туман ва шаҳар ҳокимликларининг қарори билан таълим масканларига бириктирилган ҳудудлар доирасида педагоглар томонидан амалга оширилади. Бу мактаблардаги ўқувчилар сонидаги номутаносибликка барҳам беради. Болаларнинг интеллектуал ривожланиш жараёнини ҳисобга олиб, уларни 6-7 ёшидан 1-синфга қабул қилиш меъёрларига ҳам аниқликлар киритилди.

Мажбурий таълим тизими учун 18 та умумтаълим фанидан давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди. Ўқувчиларнинг мантиқий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш мақсадида жисмоний тарбия фанидан давлат таълим стандартларига шахматни ўрганиш талаблари сингдирилди. 1-4 синфларда математика фанини ўқитиш мазмунига дастурлашнинг дастлабки тушунчалари киритилгани фарзандларимизда информатика, ахборот технологиялари фанига оид бошланғич билимлари шакллантирилади.

"Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари" фани "Информатика ва ахборот технологиялари", ўқувчиларни касб-ҳунарни тўғри танлашга йўналтиришни назарда тутган ҳолда "Меҳнат таълими" фани "Технология" фани деб ўзгартирилди ҳамда бугунги кун талабларидан келиб чиқиб кўп тармоқли йўналишларга асосланган ҳолда қайта ишланди.

Янгича ёндашувнинг жорий этилиши, таълимнинг барча турларида узвийлик, узлуксизлик ва даврийлигини таъминлайди, ўқувчиларнинг олган билимларини амалиётда тўғри қўллай олишга, мустақил ижодий фикрлаш каби кўникмаларни ривожлантиришга, онг ва тафаккурини янада теранлаштиришга хизмат қилади.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

## Қилмиш-қидирмиш

# КЎЗА КУНДА ЭМАС, КУНИДА СИНАДИ

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 31 июлдаги "Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали олиб кириш, олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тўғрисида"ги қарори билан республикамиз божхона чегарасидан олиб ўтилиши, муомалага киритилиши тақиқланган ва чегараланган психотроп ҳамда наркотик воситалар рўйхати тасдиқланган.***

Шунингдек, ушбу қарор билан психотроп ва наркотик воситаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва муомалага киритиш тартиби белгилаб қўйилган.

Қолаверса, Халқаро почта Конвенциясига асосан, почта жўнатмалари орқали психотроп ва наркотик воситаларнинг юборилиши қатъиян тақиқланган.

Лекин шунга қарамай сўнгги пайтларда таркибида наркотик ва психотроп моддалари мавжуд бўлган дори воситаларини почта жўнатмалари орасида жўнатиш ҳолатлари ҳам учраб турибди.

Жумладан, Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг "Бошпочтампт" ташқи иқтисодий фаолият божхона пости ходимлари Самарқанд вилоятида истиқомат қилувчи фуқаро Р.Д.нинг Буюк Британиядаги қариндошлари номига юборилган почта жўнатмасини божхона кўригидан ўтказишганда, буюмлар орасида "CN-23" шаклидаги божхона декларациясида кўрсатилмаган кўп миқдордаги "ValiumDiazepam" номли психотроп таблеткалар борлиги маълум бўлди.

Аниқланган ҳолат юзасидан пост ходимлари томонидан фуқаро Р.Д.га нисбатан божхона қонун ҳужжатлари бузилганлиги ҳақида баённома расмийлаштирилиб, почта жўнатмасида аниқланган психотроп таблеткалари далилий ашё сифатида вақтинча олиб қўйилган.

Мазкур ҳолат бўйича фуқаро Р.Д.га нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 246-моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, Миробод туман жиноят ишлари бўйича судининг ҳукмига кўра, иш ҳақининг 20 фоизи ушлаб қолинган ҳолда 2 йилга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Далилий ашё сифатида олиб қўйилган психотроп таблеткалар белгиланган тартибда йўқ қилинди.

Жаннатмакон юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни қадрлаш, асраб-авайлаш зарур. Шунинг учун ҳам тинчлик ва осойишталик ҳукм суришини таъминлаш учун барчамиз огоҳ бўлишимиз лозим. Хулоса шуки, қинғир иш эртами кечми фош бўлади. Агарда у оқибатини ўйлаб иш тутганида ташвишга қолмасди.

**А.ТАДЖИБАЕВ,**
**Тошкент шаҳар прокурори катта ёрдамчиси**

## Мутахассис маслаҳати

# ШИФОКОРГА ВАҚТИДА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ

***Бугунги ҳаётимизда белида оғриқ сезмаган кишини учратиш қийин. Гоҳида, шунчаки ноқулай тарзда ўтириб қолсангиз ҳам белингиз қотиб қолиши мумкин. Оғриқ ноқулай ўтириб қолганлигингиз туфайли содир бўлади ва тезда ўтиб кетади. Лекин белдаги ҳақиқий оғриқ анча жиддий бўлиб, унинг аниқ сабаблари бўлади ва албатта сиздан шифокорга учрашиш талаб этилади.***

Нима учун бел оғрийди? Бундай ҳолатларда оғриқ қолдирувчи қандай чоралар қўллаш мумкин?

Шифокор беморни яхшилаб текшириб, ташхис қўяди ва даволаш зарурлигини тушунтиради.

Бел атрофидаги оғриқни таҳлил қилар эканмиз, унинг жуда кўп сабаблари борлигига ишонч ҳосил қиламиз. Фақат шифокор унинг аниқ сабабларини топа олади.

Оғриқ синдромларининг таснифи бўйича, улар биринчи ва иккиламчи турларга бўлинади.

Бирламчи оғриқ синдроми бу – морфофункционал характердаги мушак тўқималари ва суяк тузилишларининг ўзгаришлари оқибатида юзага келади. Кўп ҳолатларда айнан шу ҳолат бел атрофидаги оғриқнинг асосий сабаби бўлиб чиқади.

Умуртқа поғонасининг турли жойларида юзага келадиган дегенератив, яъни суяк тўқималарининг емирилиши ва дистрофия (умуртқа тўқималарида моддалар алмашувининг бузилиши) касалликнинг энг муҳим жиҳатлари ҳисобланади. Суяк ва тўқималарнинг шикастланганлигини ифодалайдиган остеохондроз – дистрофия туридаги касалликдир. Унда умуртқалараро диск ва поғонаси шикастланади ҳамда спондилез (умуртқа суякларининг четларида ҳосил бўладиган қатлам) ривожлана бошлайди.

Спондилоартроз (умуртқа поғоналари бўғинларидаги яллиғланиш), остеоартроз (суяк бўғини) шаклида бўлиб, унда касаллик ҳаракатларга масъул бўлган умуртқа поғоналари бўғинларини шикастлайди.

Оғриқнинг иккиламчи синдроми анча жиддий бўлиб, у қуйидаги сабабларни қамраб олади:

Сколиоз (умуртқанинг қийшайиши), юқумли характерга кирмайдиган турли яллиғланишлар (ревматоидартрит, Рейтер синдроми ва бошқалар), умуртқада, орқа мия ёки ретроперитонеал бўшлиғида жойлашган ўсимта, умуртқа поғоналарнинг синишларидир. Булар белдаги оғриқнинг энг асосий сабабларидир. Бундан ташқари турли хилдаги юқумли касалликлар (туберкулез, бруцеллез, эпидуралли абсцесс в.б.) ҳам умуртқа поғоналарининг емирилишига олиб келади.

Агар бемор инсультга чалинган бўлса, бу ҳам бел оғриғига олиб келиши мумкин, чунки орқа миянинг қон билан таъминланишида жиддий бузилиш бўлиши мумкин.

Ошқозон-ичак касалликлари ҳам, жумладан аппендицит ёки ичаклардан овқатнинг ўтмай қолиши ҳам бунга сабаб бўлади. Бел атрофидаги оғриққа тез-тез акс этувчи характердаги касалликлар: буйракдаги санчиқ, таносил касалликлари (гонорея, трихомониаз, хламидиоз, уреаплазмоз, андексит) сабаб бўлади.

Бел оғриқлари ўткир ва сурункали бўлиши мумкин. Ўткир оғриқлар биринчи навбатда мушак толаларининг чўзилиши оқибатида содир бўлади. Бу ерда оғриқ манбаси – узун мушакларнинг сиқилиб қолишлари натижасидадир. Бунда оғриқ бошқа аъзоларга "узатилмайди", лекин беморнинг ҳаракатланишини қаттиқ чеклаб қўяди. Бу касаллик спортчилар ёки жисмоний меҳнат билан шуғулланадиган кишиларда кўп учрайди. Умуртқанинг жароҳатланиши ҳам ўткир оғриқни келтириб чиқаради. Ноқулай йиқилиш ёки елкага бошқа жароҳатлар етганда умуртқа поғоналари синиши мумкин. Агар киши гиперпаратиреоз, остеопороз, педжет касаллигига чалинган ёки умуртқа атрофида ўсимтаси бўлса, улар умуртқа поғонасининг синганлигини сезмай ҳам қолишади.

Ўткир оғриқларнинг тез-тез учрайдиган сабабларидан яна бири умуртқа дискларининг силжиб кетишидир. Бунда оғриқ асаб толаларининг сиқилиши натижасида пайдо бўлади.

Белдаги ўткир оғриқлар "фасет синдроми" натижасида ҳам намоён бўлади.

Бунда оғриқ умуртқа каналидан чиқишдаги илдизча сиқилишларидан пайдо бўлади, диск эса шикастланмай қолаверади. Бундай синдромлар одатда умуртқа оралиғи бўғинларида юқори ва пастки фасетларнинг кўпайиши оқибатида юзага келади. Натижада умуртқа поғоналари сиқилади ва оғриқ пайдо бўлади.

Эпидурал абсцесс ҳам умуртқадаги оғир касалликлардан бири ҳисобланиб, зудлик билан даволанишга, гоҳида эса орқа миянинг сиқилишини бартараф этишдек жарроҳлик усулини қўллашга мажбур этади.

Тос суягини сон суяги билан боғлайдиган бўғиндаги касалликлар ҳам умуртқанинг ўткир оғриқларига сабаб бўлади. Бунда оғриқ умуртқанинг пастки қисмидан тиззагача чўзилади.

Гоҳида оғриққа саратон касалликлари ва моддалар алмашинуви фаолиятининг бузилишлари ҳам сабаб бўлади. Безарар ўсма сурункали оғриқни келтириб чиқаради, лекин унда неврологик симптомлар кузатилмайди.

Шунингдек, остеомиелит ҳам оғриқларни келтириб чиқаради ва жараён узоқ давом этади.

Хулоса қилиб айтганда, белдаги оғриқ турли касалликлар натижасида юзага келади ва кўпинча "оғриётган" жойдан эмас, балки уни бошқа аъзолардан излашга тўғри келади. Шу боис, белда гоҳ-гоҳида оғриқ сезсангиз уни пайсалга солмасдан тезроқ шифокорга учрашинг. Ҳар қандай касаллик билан вақтида курашиш анча енгил эканлигини асло ёдингиздан чиқарманг.

**Дурдона УСМАНОВА,**
**тиббиёт фанлари доктори, невролог**

## Реклама ва эълонлар

**ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!**

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан ҳафтанинг ҳар шанба куни бошқарма биносида тадбиркорлик субъектларида мавжуд бўлган муаммо ва таклифларни ўрганиб бориш мақсадида "Очиқ эшиклар куни" ташкил этилган.

*Тадбиркорларнинг малакали мутахассислар билан мулоқоти бошқарма биносида соат 10.00 дан 13.00 гача бўлиб ўтади.*

***Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 2А-уйининг биринчи қавати.***

***Бошқарма маъмурияти.***

**ШАҲРИМИЗ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!**

"Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан онлайн-аризаларни қабул қилиш тизими амалиётга татбиқ этилган бўлиб, унга кўра жисмоний ҳамда юридик шахсларга кўчмас мулк билан боғлиқ нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун маълумотномаларни олиш имкони яратилди.

Кадастр ҳужжатини расмийлаштириш ҳамда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун

Odnookno.uz

Интернет саҳифасида жойлаштирилган аризаларни қабул қилиш онлайн-сервиси орқали амалга оширилади. Белгиланган шаклдаги маълумотномани олиш учун онлайн-аризани юбориш кифоя бўлиб, ушбу аризани кўриб чиқиш ишларини унинг махсус рақами ёрдамида кузатиб бориш имкони мавжуд.

Бундан ташқари, жисмоний ва юридик шахслар кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ваколатли орган — "Ергеодезкадастр" давлат қўмитасига ариза беришлари мумкин. Ягона портал орқали келиб тушган аризалар марказлашган ҳолда мониторинг ва назорат қилинади ҳамда аҳолига қулай, тез ва ошкора хизмат кўрсатилиши таъминланади.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига**

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Тошкент шаҳри Яккасарой туман 8-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1.Комиссия номига ариза;

2.Паспорт нусхаси;

3.Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;

4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;

5.Олий юридик маълумот тўғрисидаги дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

6.Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар аса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);

7.Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

Ҳужжатлар Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари орқали тақдим этилади. (Ҳужжатларни тақдим этишнинг охирги санаси 2017 йил 24 май)

Телефонлар: (0371) 236-78-52, 233-44-48.

2-Республика тиббиёт коллежи маъмурияти 2016-2017, 2017-2018 ўқув йили учун инглиз тили фанидан рус ва ўзбек гуруҳларида дарс берадиган ўқитувчиларни ишга қабул қилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Турккўрғон кўчаси, 9-уй. Тел: (8-371) 226-70-66. Факс: (8-371) 226-70-66.

**E-mail:** t.2-rtk@markaz.uz

